



А. ТУРАЕВ сурати

Бахтли онанинг бахтиёр фарзандлари.

Ислом КАРИМОВ:

Оммавий ахборот воситалари ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, одамларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича иш олиб бориш зарур.

Биз янги аср, янги минг йилликка қадам қўйдик. Янги юз йилликнинг биз учун қандай бўлиши 2001 йилда олдимизда турган вазифаларни нечоғли адо этишимизга боғлиқ. Биз жамиятни янгилаш, ислохотларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ-равшан ва ҳар томонлама пухта ўйланган дастурга эгамиз.

Ана шу дастурни рўёбга чиқариш, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида қонунчилик ва адолат тамойилларига риоя қилиш борасида жамоатчилик назоратини кучайтириш катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир фуқаро оддий кузатувчи ва истеъмолчи бўлиб қолмасдан, жамиятимизда рўй бераётган ислохот ва демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши даркор.

(Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқидан.)

Моҳият

Дастлабки пайтларда бола учун она тарбияси ҳамма нарсадан муҳимроқдир, бинобарин ахлоқ болага туйғу сифатида сингдириб юборилмоғи керак.

Г. ГЕГЕЛЬ.

Ушбу сонда

ҚАМОҚҚА ОЛИШ ОХИРГИ ЧОРАМИ?

... Амалиётда эҳтиёт чораларидан биттаси, яъни қамоққа олиш 95 фоиз ҳолларда қўлланилмоқда. Хўш, бунга сабаб нима?

2-3 - бетлар

«ФРОНТАЛ» ТЕКШИРИШ

Кўрсатма асосида «фронтал» текшириш бошланади. Ўқитувчиларнинг эътироф этишларича, айниқса прокурорга мактабдаги қонунбузарликлар ҳақида шикоят ёзганлар анча-мунча сиқувга олинган.

4 - бет

ТУНГИ «ОВ»ЛАРНИНГ ХОТИМАСИ

Бир неча дақиқадан сўнг бир умр ёдида қоладиган воқеалар содир бўлишдан бехабар хонадон эгалари тунги уйкуда эдилар.

6 - бет

ТАДБИР

ИШ ҲАҚИ ТЎЛОВИ - ЭНГ ЎТКИР МУАММО

Бугунги йиғилишда 600 дан зиёд ўринга мўлжалланган залда жой етишмади. Қирқ-эллик киши тик турди. Тик турганларнинг бирортаси ҳам йиғилиш охиригача зални тарк этмади. Чунки, кун тартибига ҳар бир кишига тааллуқли, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган ўтқир муаммо кўйилганди. Фарғона вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят назорат қилувчи идораларининг мувофиқлаштирувчи йиғилишида «Иш ҳақи тўловини таъминлашда қонунлар ижросининг аҳоли» мавзуси муҳокама қилинаётган эди.

Фарғона вилоят прокурори Ю. Абдукаримов йиғилишни кириш сўзи билан очар экан, мулкчилик шакли турлича бўлган хўжалик юритувчи корхоналар, ташкилотлар, ширкат хўжалиklarнинг раҳ-

барлари томонидан иш ҳақларини мунтазам равишда тўлаб боришдан иборат мажбуриятлари бажарилмай, ишчи-хизматчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари қўпол тарзда бузилаётганини, бунинг ус-

тига меҳнат ҳақидан қарзорликларини хаспўшлаб, камайтириб кўрсатишгача бориб етишаётганини таъкидлаб ўтди. Статистика идоралари, банк муассасалари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ушбу соҳага масъул ўринбосарлари муросасозлик қилиб кўзбўйамчиликларга йўл очишяпти. Вилоят прокуратураси талаби билан Марказий банк вилоят бошқармаси иш ҳақи тўловларини таҳлил қилганда 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра 271 та корхона ва ширкат хўжаликлари ишчи-хизматчилар иш ҳақидан 1 миллиард 141 миллион сўм қарздорлиги аниқланди. Тармоқ касба уюшмаларининг маълумотларига кўра эса қарздорлик 2,3 милли-

ард сўмдан ортиқ. Бу тафовут корхона, ширкат хўжалиklarининг раҳбарлари, бош ҳисобчилари статистика, банк, солиқ идораларига топшираётган ҳисоботларида иш ҳақи қарздорлигини атайлаб камайтириб кўрсатаётганликларидан далолат беради. Пул маблағлари ҳаракатини назорат қилувчи, корхона ва хўжалиklarнинг молиявий аҳолини ҳаммадан кўра яхши биладиган тижорат банкларининг ходимлари ёлгон маълумотларни қабул қилиб, қонунбузарликларга шерик бўлишяпти. Булар охир-оқибатда вилоятда ижтимоий носоглом вазиятни вужудга келтиради.

(Давоми 2-бетда.)

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov, Komiljon Ismoilov, Dilshod Islomov (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat Yodgorov (mas'ul kotib), Lola Shomurodova, Muxtor Shodmonov, Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. **Telefon:** 133-82-34 **E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalari qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2149 Nusxasi — 27354 Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00 Bosmaxonaga topshirildi 19.00 Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi **Navbatchi muharrir H. NISHONOV Navbatchi N.MAHMUDOV** Savatvda erkin narxda **1 2 3 4 5 6 7 8**

Маълумки, охириги вақтларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир ҳисобланмаган жиноятлари содир қилган шахсларга нисбатан судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўллашни камайитириш фикри илгари сурил-моқда. Ҳақиқатдан ҳам унча оғир бўлмаган, эҳтиётсизлик натижасида жиноят содир этганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш жазонинг мақсадларини амалга ошириш, шу жумладан, шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш имконини беради.

Бунинг учун Жиноят кодексига ўзгартириш киритиш шарт эмас. Чунки ЖКнинг кўпгина моддалари санкцияларида муқобил санкцияларни қўллаш кўзда тутилган. Шу билан биргаликда судьяларнинг ўзига ҳам жазо белгилашда кенг воқолатлар берилган. Яъни судья ЖК моддаси санкциясида белги-ланган энгилроқ жазони жиноят-чининг шахси, жиноятнинг ижтимоий хавфлиги, озодликдан маҳ-рум қилиш жазоси қўлланилганда (шахс оилада ягона боқувчи бўли-ши мумкин) келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олган ҳолда қўллаши мумкин. Бундан қўринадики, масала ҳуқуқни муҳо-фаза қилувчи органлар ходимла-рининг, шу жумладан, судьялар-нинг ҳуқуқий оғи қай даражада юксаклигига боғлиқдир. *«Хар бир жиноятчи қамоқда ўтириши керак»* деган тоталитар тузумдан қолган стандарт фикрлардан қутулол-маслик жазонинг мақсадларини амалга ошириш, билиб-билмай нотўғри йўللарга кириб кетган шахсларни, айниқса бешларни қай-та тарбиялаш ишига тўққинлик қўл-моқда. Сир эмаски, бугунги кунда баъзи жазони ижро этиш муассас-саларидаги тарбиявий фаолият талабга жавоб бермайди, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазо-сини ўтаб чиққандан сўнг ҳалол меҳнат йўлига кирган шахслар сони у қадар кўп эмас. Аксинча, улар «ўз тажрибаларини янада ошириб»

озодликка чиқмоқдалар. Афсуски, бугунги кунда айрим суд, прокуратура, тергов ходимларида озод-ликдан маҳрум қилиш жазосини кўп қўллашга мойиллик мавжуд. Чунончи кўпгина ходимларда ҳамон совет тузумидан қолган дунёка-раш ҳукрон бўлиб, эркин фикр-лаш, мустақил равишда қарор қабул қилиш, ташаббус етишмайди.

Судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўллаб қўлланилиши, муқобил жазо чора-ларидан кам фойдаланишнинг асо-сий сабабларидан бири судгача, яъни дастлабки тергов давомида қўлланилаётган эҳтиёт чоралари-дир. Маълумки, *ЖПКда жиноят со-дир қилишда айбланаётган шахс-нинг ҳолати, соғлиги, содир этил-ган қилмишининг ижтимоий хавф-лиги, тергов ва суддан бўйин товлаш эҳтимолини назарда ту-тган ҳолда эҳтиёт чоралари қўлла-нинг 7 та тури берилган. Бирок амалиётда эҳтиёт чораларидан биттаси, яъни қамоққа олиш 95 фоиз ҳолларда қўлланилмоқда.* Хўш, қамоқ сабаб нима?

Шу ўринда айтиб ўтиш керакики, қамоққа олиш чораси тергов ва суриштирув органлари учун жино-ятни очишда тобора қўлай бўлган воситага айланиб бормоқда. Кўпга-на терговчилар айбланувчи сифа-тида ишга жалб қилиш учун далил-лар етарли бўлмаса-да, қамоққа олиш чорасини қўлламоқдалар. Бунда улар агар гумондор очид

НУКТАИ НАЗАР

қолдирилса, янги жиноят содир қилиши ёки яшириниши мумкин-лигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Тўғри, оғир ва ўта оғир жиноятлар-ни содир этган, хавфли рециди-вист ёки муқаддам судланган шах-слар очикда қолдирилиши катта хавф туғдиради. Бироқ содир эт-ган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган, атрофдагиларга хавф солмайдиган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қамоққа олиш чорасини қўллаш ҳеч нарса би-лан асослаб бўлмайди. Бу эҳтиёт чорасини кенг қўллаш халқро ҳуқуққа ҳам зиддир. Масалан, «Ин-

батга олади. Судгача қамоқ чораси қўлланилган шахсларни, гарчи улар айбсиз бўлсалар-да, айбдор деб топиш ҳоллари ҳам учраб туради. Сабаби, қамоққа олинган шахс айб-сиз деб топилиб, реабилитация қилинса, у холда эҳтиёт чораси ҳам ўз-ўзидан хато қўлланилган бўлади ва шахсга етказилган мод-дий, маънавий зарар қопланиши, терговчига нисбатан эса чора қўри-лиши лозим бўлади. Шу боисдан айрим судьялар бунча оворагар-чиликдан ўзларини четга олиб, айб-дорни озодликдан маҳрум қилиш билан «бошоғрик»дан қутулиб қола-дилар.

ҚАМОҚҚА ОЛИШ

сон ҳуқуқлари ва эҳтиёт чоралари" халқро стандарт-лар тўплами (БМТ, Нью-Йорк ва Женева, 1994 йил, 129-бет)да ҳам қамоққа олиш эҳтиёт чораси ўрнига муқобил чораларни қўллаш мақсадга муво-фиклиги тавсия қилинган.

Кўпинча терговчилар жавоб-гарлик ҳамда масъулиятдан қўрққанлари холда хар бир жиноят иши бўйича эҳтиёт чораси қўлла-ниш маъқул кўрадилар ва шунга ол-танганлар. Қамоққа олиш ўрнига бошқа эҳтиёт чоралари — гаров, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш йўли билан масалани ҳал қилишни хизмат эл-олиятлари давомида умуман қўлла-маган терговчилар ҳам топилади.

Қамоққа олишга рухсат берили-ши ўз навбатида судлар томони-дан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўллаб қўлланишига асосий сабаб бўлмоқда. Чунки, *судьяларнинг кўпчилиги ҳукм чи-қаришда шахсга нисбатан судгача қўлланилган эҳтиёт чорасини ино-*

Эҳтиёт чоралари қўлланилиши-ни тартибга солиш учун прокурор назоратини кучайтириш ҳамда унинг муқобил усулларини қўлай-тириш зарур. Чунки Конституцияга кўра инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, эркинлиги олий қадрият ҳисобланади. Шу сабабли, эҳтиёт чорасини нотўғри қўллаш оқибати-да фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказган-лиги учун эҳтиёт чорасини қўлло-вчи субъектлар, аввало терговчи-лар жавобгарлигини ошириш зар-рур. Судлар томонидан эса озод-ликдан маҳрум қилиш билан боғ-лиқ бўлган жазолар қўлланишини иложи борича камайитириш лозим. Чунки жазонинг мақсади шахсни жазолаш, унга мусибат етказиш, азоб бериш эмас, балки уни қайта тарбиялаш, ахлоқан узатиш ва жи-ноий фаолиятини давом эттириши-га йўл қўймастикдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, дастлабки тергов давомида қамоқ эҳтиёт чорасини кенг қўллаш ама-

ТАДБИР

ИШ ҲАҚИ ТЎЛОВИ - ЭНГ ЎТКИР МУАММО

(Бошлангчи 1-бетда.)

Бирор раҳбар маош олмаган иш-чиларига "давлат фақат бюджет ташкилотлари ходимларини иш ҳақи билан таъминлайди, сизлар-га маош тўланмаганига биз айб-дормиз, бизнинг укувсизлигимиз, ҳўжасизлигимиз, лаёқатсизлигимиз сабаб" деб тушунтирганми? "Нега иш ҳақи тўламайсиз?" дея сўралганда, баҳоналари тайёр — маблаг йўқ. Бироқ умумий назорат тартибига ўтказилаётган текши-ришларда корхона, ширкат ҳўжа-ликларининг маблаглари мақсад-сиз сарфланаётгани, талон-тарож қилинаётгани аниқланаёпти. Нега идора жиҳозлари, хизмат машина-ларини янгилашга пул топилади-ю, иш ҳақига келганда маблаг йўқ?

Вилоят прокурори пул маблаг-лари мақсадсиз сарфланаётгани, талон-тарож қилинаётганига оид бир қатор мисоллар келтирди.

Марказий банкнинг вилоят бо-шқармаси бошқаруви раиси А. Ни-зомидинов иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлови бўйича қарздор-лик тўғрисида ахборот берди.

Вилоят солиқ бошқармаси бош-лиги И.Қорабобоев ҳукумат қарори билан солиқ бошқармаси тасарру-фига ўтказилган собик Пенсия фон-дининг пенсия бўйича қарздорли-ги сабаблари ҳақида гапирди. Бу

қарзларни корхона ва ташкилот-лар, ширкат ҳўжаликларидан унди-риш бўйича кўрилаётган чора-тад-бирлар ҳўсусида тўхталиб ўтди.

— Иш ҳақи фондида пенсия учун 37,2 фоиз ўтказишни пайсал-га солаётган раҳбарлар ўз корхо-наларини банкорт ҳўлимага олиб бо-ради, — деди вилоят прокурори. — Пенсиядан қарздорликка пеня-устамалар қўшила бориб, корхона қарз ботқоғидан чиқа олмайди. Қарзини қўлайитрмай, тўлаш чора-ларини кўриш раҳбарлар, бош ҳисобчиларнинг асосий вазифаси. Солиқ, статистика идоралари, банк-лар бунки қатъий назоратга олиш-лари керак.

Меҳнаткашларнинг манфаатла-рини ҳимоя қилиши лозим бўлган касабга уюшмалари ташкилотлари-нинг раҳбарлари иш ҳақи вақтида тўланмаётгани билан муросасозлик қилиб келишаёпти. Улардан изоҳ талаб қилинганда, корхона, шир-кат ҳўжаликларининг молиявий қий-ин аҳволдалигини рўқач қилишди.

— Корхонанинг молиявий аҳво-лига жавоб берадиган раҳбарлари, бош ҳисобчилари бор, — деди Ю. Аб-дукаримов. — Сизлар аъзолик ба-дидарини тўлаётган касабга уюш-маси муҳофазалаш, иш ҳақи олиш меҳнат шартномаларида кўрсатил-

ган талабларни бажарилишини таъ-минлашингиз лозим. Иш ҳақи тўла-маётган бўлса, нега судга муржоат қилмайсизлар? Нега қийин молия-вий аҳволдаги корхонанинг раҳбар-лари, идора ходимлари иш ҳақи учун маблаг топилади-ю, ишчилар-га топилайди? Ҳар ойда маошини олиб турган бошлик уч-тўрт ойлаб маош олмай юрган ходимнинг ўри-на ғўзини қўйиб кўрсин! Бу муаммо ортида инсонларнинг тақдирини ту-рирати! Иш ҳақи олмай рўзгор тебратишга қийналаётган фуқаро-лар эртга жиноятчига айланши, ўғирликка қўл уриши, ақиданарст-лар тўрига тушиб қолиши эҳтимо-лини бир дақиқам ёддан чиқар-маслигимиз керак. Ижтимоий ҳимоя, иш ҳақи тўловлари қонунларининг ижроси учун хар биримиз масъул-миз.

Йиғилишда вилоят ҳўқимининг ўринбосари А.Иноатов ушбу соҳа-даги қўнунбузарликларни бартараф этишга оид фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Вилоят прокурори Ю.Абдукарим-ов яқунловчи нуқтада иш ҳақидан қарздор корхона, ширкат ҳўжали-кларига бундай қўнунбузарликни бартараф этиш муҳлатлари белги-лаб қўйилиши, қўнунбузарликка йўл қўяётган мансабдор шахслар тегиш-ли тартибда жавобгарликка торти-лишини таъкидлади.

Залда ўтирган хар бир кишига масъулият юклаган, ҳуқуқий фаол-ликка даъват этган йиғилиш беса-мар қўлмаслигига шак-шубҳа йўқ.

М. ФОЗИЛОВ, Фаргона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси. **И. ИБРОХИМОВ,** «Ҳуқуқ» мухбири

Прокуратура аралашга...

Ўқувчилар ҳақи ундирилди

Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан Вазиран Маҳкамасининг 2000 йил 24 августдаги "2000 йил пахта ҳўселини йиғиштириб олишни ушўқоқлик билан ўтказиш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги қарорига кўра пахта йиғим-теримига жалб қилин-ган мактаб ўқувчиларига терилган пах-та пулининг тўлиғини юзасидан тек-ширишлар ўтказилди.

Текширишлар натижасида йиғим-теримга жалб қилинган ўқувчиларга терилган пахта учун 5.241.748 сўм миқдоридagi маблаг ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланди. Ҳўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги, давлат томонидан терим пули учун ажратилган маблаглари талон-тарож қилиб, ўзлаштириш йоборганликлари бунга сабаб бўлган.

Хўсусан, Мирзабод туманидаги "Тўрткўл ота" фермер ҳўжалиги раҳ-бар П.Қаршибоев 74.130 сўм, шу тумандаги "Саховат" фермер ҳўжа-лиги раҳбари А.Яҳшиликўв 39.482 сўм терим пулларини мактаб ўқувчиларига тарқатмасдан, ўзлаштириш йобор-ганликлари аниқланиб, жиноят иш-лари кўзга тилиди.

Ўтказилган текшириш натижалари бўйича шахсан прокурорларнинг ара-лашуви билан 5.241.748 сўм терим пуллари мактаб ўқувчиларига тўлиқ ундириб берилди ва қўнунбузилиш ҳолларини бартараф этиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб, шарт-шар-роитларнинг олдини олиш юзасидан кескин прокурорлик чоралари қўлла-нилди.

Б.ЖОНИҚУЛОВ, Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

лиёти судларнинг оқлов ҳукмлари чиқаришга салбий таъсир этаётди. Агар судга қамоқда сақланаётган айбланувчининг жиноят иши келиб тушса, суд озодликдан маҳрум қилиш ҳақоратини қўллашга мажбур бўлиб қолмоқда. Бунга сабаб мавжуд қонунчиликдаги, яъни Жиноят-процессуал кодексидаги камчиликлардир. Чунки ЖПКда қамоқ эҳтиёт чорасини қўллашнинг катъий шартлари ёки чегаралари белгилаб берилмаган. ЖПКнинг 242-моддасида берилган қамоқда олиш шартлари эса тўлиқ эмас ва турлича талқин қилиниши мумкин. Жумладан, "Эҳтиёт чораси сифа-

гиланган "бу чора вояга етмаганларга, 60 ёшдан ошганларга, шифокор томонидан тасдиқланган оғир касаллар ва руҳий касалга чалинганларга нисбатан қўлланилмайди", жумласи эса факаттига тиббий мезонларни белгилаб беради. Аслида эса шахнинг ижтимоий ҳавфи эмаслиги, жавобгарликдан қочиши ва яшириниши учун асослар йўқлиги, енгилроқ эҳтиёт чораси қўллаш мумкинлиги, гумдор оиласида ягона боқувчилиги, жиноятни қасддан содир этмагани, иш, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши каби ҳолатлар ҳам эҳтиёт чорасини танлаш-

**«Хуқуқ»қа
жавоб берадилар**

ЧОРА КЎРИЛДИ

Фуқаро Ю.Қоржовдиевнинг Миробод туман ИИБ ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан йўллаган аризаси ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида туман ИИБ МПХ милиционер, милиция кичик сержант Б.Абдурахмонов ҳамда Ҳамза туман ИИБ ЖОО ва ФХТ бўлими профилактика бўлими инспектори, милиция лейтенанти У.Мирзаевларнинг қонунга хилоф иш тутганликлари аниқланди. Текширув натижасига кўра Б.Абдурахмонов ИИБ идоралари сафидан бўшатилди, У.Мирзаевага эса ҳайфсан эълон қилинди.

Уларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши кўзга ташвиш рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мазкур қарор Республика прокуратураси томонидан асосли деб топилди ва бу ҳақда ариза муаллифига маълум қилинди.

А.НИЁЗОВ,
Республика прокуратураси ИИБ идораларига тергов ва суриштирувни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи

**ЕР АЖРАТИБ
БЕРИЛДИ**

«Хуқуқ» газетасининг 17 январь сонидида чоп этилган «Бизга ер керак» мақоласи Ҳоразм вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Мақола муаллифи Ж.Матназаров ер олиш масаласида Ҳазорасул туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилган. Ариза асосида текширув ўтказилиб, Ж.Матназаровга тураржой куриш учун ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида 1999 йил 24 августда туман ҳокимининг қарори қабул қилинган. Лекин «Эркин»/х собиқ раиси К.Абдуловнинг айби билан ер ажратиб берилмаган.

Туман прокуратурасининг аралашувидан сўнг, Ж.Матназаровга ер участкаси ажратиб берилди.

Д.ИСРОИЛОВ,
Ҳоразм вилоят прокурори

**ОХИРГИ
ЧОРАМИ?**

тида қамоққа олиш Жиноят кодексиди 1 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо бериш назарда тутилган жиноятларга оид ишлар бўйича қўлланилади".

Бу тушунча қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш шартларини менимча, тўлиқ белгилаб беролмайди. 242-модданинг давоми эса куйидагича: "Алоҳида ҳолатларда мазкур эҳтиёт чораси 1 йилдан ошмайдиган муддатга озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо бериш назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин".

"Алоҳида ҳолатларнинг ўзи нимадан иборатлиги ҳақида эса ҳеч нарса дейилмаган, демак эҳтиёт чорасини қўлловчи мавжуд шароитдан келиб чиқиб, алоҳида ҳолатларни белгилайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, ЖПКнинг ўзи қамоқ эҳтиёт чорасининг кенг қўлланилишига замин яратиб беради. 242-моддада бел-

да мезон бўлиб хизмат қилиши керак.

Қамоқ энг охириги эҳтиёт чораси бўлиб, бошқа эҳтиёт чоралари билан Жиноят-процессуал кодекси талабларини бажариш мумкин бўлмагандагина қўллаш лозим. Баъзилар йўлаганидек, ягона ва одатий чора эмас. Бу борада аниқ далилларга асосланиш зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, **фуқароларни асосан равишда қамоққа олиб, улар орасидан айблларини ажратиб оладиган тоталитар тўзумда эмас, балки хуқуқий-демократик давлат куриши йўлидан бораётган мамлакатда яшашга** Шу сабабдан эҳтиёт чораларини қўллаш асосларини қонуний йўл билан тартибга солиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолати эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Беҳзод МҮМИНОВ,
Ички ишлар вазирлиги академияси IV курс талабаси

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ ТАЪМИНЛАШДА

Наманган шаҳар ҳокимлигида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, қонун устиворлигини таъминлаш борасида 2000 йилда амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳардаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла посбонлари, ташкилот, корхона, муассаса раҳбарлари, шунингдек жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Шаҳар прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Ж.Низомов маърузасида таъкидланганидек, мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган қисқа вақт ичида қонунчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Бош Қомусимиз — Конституция асосида жамиятимизнинг тараққиётига хизмат қилувчи юзлаб қонунлар қабул қилинди. Шаҳар прокуратураси мазкур қонунларга оғишмай амал қилиниши борасида муайян ишларни амалга оширди. Натижада шаҳар ҳудудида жиноят содир этиш ҳолатлари ўтган йили 1999 йилга нисбатан бир мунча камайди. Бироқ, умумий кўрсаткич камайган бўлса-да, қотиллик, номусга тегиш, талончилик ва боқсичлик жиноятларининг бироз ўсганлиги жиддий ташвиш уйғотади. Келгусида бундан тегишли хулоса чиқариб олинishi шарт.

Йиғилишда вилоят прокурори Ф.Барноев сўзга чиқиб, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, қонун устиворлигини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ва

прокуратура идоралари ҳамкорлигида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилгани, мазкур йиғилиш ҳам ана шу йўналишда ўтказилаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишга маҳалла фуқаролар йиғинларини ҳам жалб қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини тубдан яхшилаш, уларни турли хил террористик оқимлар, жиноий гуруҳлар таъсирига тушиб қолишдан асраш ва умуман, барча ишларда жамоатчиликка таяниш лозимлигига эътиборни қаратди. Вилоят прокурори янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳаси прокуратура идоралари ҳаётида муҳим вояга эканлигини таъкидлаш билан бирга унинг муҳокамасида барчани фаол иштирок этишга чақирди.

Бундай йиғилишлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб ўтди.

Абдуҳшом МАДАТОВ,
"Хуқуқ" муҳбири

«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» ЎҚУВЧИ НИГОҲИДА

**МУАЛЛАК САВОЛЛАРГА
ТОПИЛГАН ЖАВОБЛАР**

Журналнинг 2001 йил 1-сонига ҳақиқат мулоҳазалар

Икки йилдирки, журналнинг ҳар бир сонини муштоклик билан кутиш ва унда чоп этилган ранг-баранг мавзулардаги материалларни синчиклаб ўқиб чиқиш мен учун одат бўлиб қолди. "Қонун ҳимоясида"нинг янги асрдаги илк сони менда катта таассурот қолдиргани боис, айрим фикр-мулоҳазаларимни қозғога туширдим.

Назаримда журналнинг кейинги икки сонидан жой олган "Прокурор ҳимоя қилади, назорат қилади, фош этади" рунки ўз ўрнини тоғган ва бу доимий рунк бўлиб қолиши керак. Очиғини айтганда, фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзуси биз талабалар ўртасида кўплаб бахсларга сабаб бўлади. Баъзан прокурор фақат давлат айбловчиси вазифасини бажаради, деган тор тушуналарга ҳам дуч келамиз. Журналнинг шу рункидаги прокуратура амалиётига доир материаллар билан мунтазам танишиш бораёнман, прокурорнинг вазифаларига доир тасаввурим кенгаймоқда.



Жиноятчиликка қарши кураш ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимояси, адолатга хизмат қилиш прокуратура фаолиятининг асосини ташкил этиши журналдаги кўплаб мақолалар мазмунига сингдирилганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Юқорида айтилганидек, фуқаро ҳуқуқлари борасида ёшларни қизиқтирадиган яна бир масала борки, бу уларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқларини тўла амалга ошира олмасликлари билан боғлиқ. Бахсларда нима учун айрим фуқаролар баъзан қонунларни, бошқаларнинг ҳуқуқларини бузадилар, деган савол муаллақ бўлиб қолади. Журналнинг 1-сонида берилган "Фуқаролик ҳуқуқлари ҳимояси" мақоласида ана шу саволларга

ишонарли жавоблар берилганлиги унинг ўқишлилигини оширган, деб ўйлайман.

Ҳаётда "уй-жой шартномасини қандай расмийлаштириш мумкин", "Реабилитация қилувчи асослар нима", "Вояга етмаган бола қандай қилиб жиноят кўчасига кириб қолади", каби саволларни тез-тез эшита-ман. Дарсликларда бундай масалалар ҳақида умумий тушунча олиш мумкин, лекин бу ҳуқуқий билимга чанқоқ ёшлар учун кифоя эмас, деб биламан.

Журналнинг 1-сонидаги бир қанча мақолаларда ана шундай саволларга қониқарли жавоб тоғгандай бўлди.

Этиборимни тортган яна бир нарса — "Жиноят кодексининг тили" мақоласи бўлди. Гарчи бу мақола кўпроқ қонун чиқарувчилар, ҳуқуқшунос олимлар назарига ҳавола этилса-да, менимча, кўплаб оддий журналхонларни ҳам қизиқтиради. Негаки, қонун тили барча учун тушунарли, раван, содда бўлиши керак. Шу нуқтага назардан қараганда, мақолада ўртага ташланган тақлиф ва мулоҳазалар илмий аҳамиятга эга.

Ҳақин тарихимизни билиш ва ундан зарур хулосалар чиқариш ёшлар учун фарз. Кейинги пайтда журнал собиқ СССРнинг қатагон сиёсати доир мақолаларни чоп этаётгани ўқувчиларнинг мустақиллик кадрини теран тушуни олишларига хизмат қилади. Журналхонлар "Улим машинаси" мақоласини ўқиб чиқсалар, кўплаб тарихий ҳақиқатлардан оғоҳ бўладилар.

Ҳуқуқий меросимиз, чет эл давлатлари қонунлари ҳақидаги мақолалар ҳам кўпчиликда қизиқчи уйғотишига аминман.

Журнал тахрирати ўзбек детективини тарғиб этишда ўзи танлаган йўлдан бораётганлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Икtidорли ёзувчи Алишер Ибодинов ўз ўқувчиларига қандай янги асар тақдим этмоқчи, деган савол билан тахриратига мурожаат этган эди. Бу саволга жавоб тариқасида ёзувчининг "Бу қаро тўн — дунё..." детектив қиссаси эълон қилинган адабиёт муҳлислари учун янги йил совғаси бўлибди. У оиламизда, дўстлар даврасида кўлма-қўл ўқилмоқда. Журналнинг янги сонини муштоклик билан кутувчи муҳлиснингиз

Ёдгор БЕРДИЕВ,
ҳуқуқшунослик техникуми талабаси

Моҳият

Халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя этмоғи лозим.

ГЕРАКЛИТ

ФАРМОН ВА ИЖРО

ҚОНУНЛАРНИ ЎРГАНАМИЗ, ҚОНУНЛАРНИ ЎРГАТАМИЗ

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги "Навбахор" кишлоқ фуқаролари йиғини ҳамда "Янги ҳаёт", "Дўстлик", А.Ортиқов номли жамоа ҳўжаликлариди давлатимиз раҳбарининг Конституциямизни ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ва янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, ҳокимият вакиллари, маҳалла фаоллари, мактаб ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари иштирок этди.

Йиғилишда туман прокурори Ф.Ғофуров сўзга чиқиб, Бош

Қонунимизнинг аҳамияти ва унда фуқароларга берилган ҳуқуқлар, уларнинг ҳимоят олдидидаги мажбурият ва бурчлари, шунингдек, янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг амалдаги қонундан фарқи ва унга киритилган айрим ўзгаришлар ҳақида маъруза қилди. Таъдбирда маҳалла фаоллари ва ўқитувчилар ҳам сўз олиб, Конституциямизни ўрганишни янада кучайтириш ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ўз фикрларини баён қилди. Келгусида бу борада ўтказиладиган учрашувлар белгилаб олинди.

(Ўз муҳбири)миз

ТАҲЛИЛ

ГАЗЕТА САВИЯСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

■ Оммавий ахборот воситалари ҳақида гап кетганда кўпчилик радио ва телевидениега ургу беради. Райят фикрини шакллантириш, керак бўлса, муайян йўналишга буриб юбориш, асосийси, ахборот билан таъминлашда уларнинг имконияти жуда катта. Тезлик нуктаи назаридан ҳам шундай. Аммо бунда тингловчи ёки томошабин ахборотни мушоҳада қилиш имконидан сезиларли даражада фойдалана олмайди.

Шу маънода ахборот тизимидега газеталарнинг ҳам устун жиҳатлари мавжуд. Маълумотларга кўра, ҳозирда мамлакатимизда 507 та газета чоп қилинапти. Мустақиллигимизга қадар уларнинг сони 300 га ҳам етмасди. Қувонарлиси шундаки, газеталарнинг сони кўпайиши билан ўқувчида танлаш имконияти кенгайди. Бундай шароитда ҳар бир тахририят ўқувчиларининг сонини кўпайтиришга интилади. Бу табиий ҳол. Бироқ савол туғилади: газетанинг вазифаси газетонга тўғри ахборот етказиш, яъни воқеликнинг ҳақиқий манзарасини чизиши ёки ўқувчининг кўнгилни овлаштириш? "Кўнгилни овлаш" деганда мен "ўқувчи шунга кўзиқадди", деб ўйланган мавзудаги мақолаларни савиясидан қатъий назар, кетма-кет чоп этишни назарда туталман.

Ушбу мақолани ёзишимга Сирдарё вилоят прокуратураси муассислигида нашр этилаётган "Адолат кўзгуси" ҳақидаги мулоҳазаларим сабаб бўлди. Аввало шу нарсани айтиш керакики, газета мамлакатимиздаги дастлабки ҳуқуқий нашрлардан ҳисобланади. 1995 йил апрелдан чиқа бошлаган ушбу нашрнинг бугун қўллаб муҳлислари бор. Айрим республика газеталари зўрға 2-3 минг нусхада чиқаётган шароитда "Адолат кўзгуси"нинг тиражи 12-13 минг эканлиги ижобий маънода кўп нарсани аниқлатади. Зеро, талаб бўлмаса шунча газета чиқаришнинг маъноси йўқ, Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор.

Ривоят қилишларича, қадимда бир ёш шоир даврининг улуг шоирига ўзини шогирд деб билар экан. У бир кун не истиқола билан ёзганларини устозига кўрсатибди. Машқларни ўқиган улуг шоир эл назарига тушмоқ учун хали кўп ишлаш кераклигини маслаҳат берибди. Одатга кўра 15-20 байт битувчи шогирд эртасига 100 байт "шеър" ёзиб, устози қонига йўл олган экан...

Демоқчиманки, сонга қараб сифат ҳақида чиқарилган хулоса бироз нисбийдир. Ҳуқуқий-маърифий, оммабон ("шапка"сида шундай ёзилган) газета бўлган "Адолат кўзгуси" ўз номига яраша вилоят ҳуқуқий ҳаётининг кўзгуси бўлиши керак эди. Амалда эса газета жиноятлар, хусусан қотилликлар хроникасига айланиб қолган. Сарлавҳаларга эътибор беринг: "Биқинидан дарча очди", "Онанинг ўз қизларини сувга чўктиргани ростми?", "Лондонлик жаллодлар" (2000 йил, 39-сон), "Тўйдаги моҳоро ёки қотилга айланган зўравон ҳақида", "Қули қонга ботган овсин" (40-сон), "Бир ўлимга икки ўлим", "Жасад топилди" (42-сон)...

Барака топқурлар, бунақада газетани кўлга олган ўқувчининг юраги зада бўлиб қолади-ку? Афсуски, мана шундай мақолалар газетанинг қиёфасини белгилар даражада кўп чоп этилган. Бу билан нима дейилмоқчи? Адолат қарор топиб, жиноятчилар жазоланди дейилса, бу қадар осон эришилган адолатнинг аҳамиети пасайтирилган бўлади. Зеро, чўқур таҳлилга асосланмаган, қуруқ баён ва сийқа хулосадан иборат мақолалар юзасидан бошқача фикр билдириш қийин.

Савол туғилади: балки ҳуқуқ тарғиботи дейилганда вилоят прокуратураси шундай олди-қонди мақолалар чоп этилишини тушунар? Газетадагилар муассис талабга кўра шундай қилаётгандилар?

Дарвоқе, газетанинг қиёфаси ҳақида, 1-бет "Янгиликлар", "Анонс", бирон бир прокурорнинг "долзарб" мавзудаги мақоласи, 2-3-бетлар — жиноятлар тафсилоти, 4-5-бетлар ТВ дастурлари ва мунажжимлар башорати, 6-бет — ҳуқуқий дарсхона, 7-бет тарихи саҳифа ва нихоят 8-бет — кроссворд ва бирон-бир газетадан кўчирма ёки лажима. Газетанинг аксарият сонлари мана шу схема бўйича чиқарилган. Бир вақтлар Чўлпон куюниб ёзганидек, бир хил, бир хил, бир хил... Ҳатто муаллифлари ҳам. Албатта, 4-5 нафар ижодий ходим ишлайдиган тахририятдан бундан бошқасини кутиб ҳам бўлмас...

Базван шапалоқдек келадиган мақолаларга 3 та имзо қўйилганини кўриб ҳайрон қоламан. Тўғри, нечта имзо қўйиш уларнинг иши, бироқ журналистдан ташқари мақолага имзо чеккан прокуратура ёки суд ходимининг атайин ҳисобот учун шундай қилганлиги гашига тетади. Мана улар "ҳуқуқ тарғиботи"ни қандай олиб бормоқдалар. Биз эса халигача аксарият қишларининг ҳуқуқий онги талаб даражасида эмаслигидан, қабул қилинаётган баъзи қонунлар аҳолига тушунарли тарзда етказиб берилмаётганлигидан нолийимиз. Бунинг ўрнида мана газетада нимани ўқилишининг мумкин: "Душанбада соғлигинизги бойлигинизги эканлигини унутманг. Чоршанба кунги харидингиз ўзингизга маъқул бўлади. Молиявий ютуққа эришингизнинг мумкин. Шанба ва яқшанба кунлари ишқий саргузаштлар, романтик учрашувлар уммонда сузасиз".

Савиясидан қатъий назар, газетада деярли мунтазам равишда вилоят ижодкорларининг шеър ва ҳикоялари бериб борилаётганини қутлаш керак. Назаримда ўқувчи маънавиятига "урди, тепди, ўлдирди" қабилдаги мақолалардан кўра ўшалар кучли таъсир этади.

7-саҳифадаги "Ҳуқуқий дарсхона" маълум мавзуларга бағишланаётганлиги ўзини оқлаган. Бироқ газетонларга қонун-қодалардан дарс бераётган мутахассис ишга жиддий ёндашиши зарур. "Адолат кўзгуси"да берилган нотўғри маслаҳат туфайли жазаланиб бир отахон ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, салбий жавоб олганию, масалага оидлик қиритишни сўраб, "Ҳуқуқ" газетасига хат ёзганидан хабарим бор.

Кўзга қарангиз борлиқнинг аксини кўрасиз. Истаганингизни кўриб, истаганингизни кўрмаслигининг иложи йўқ. Шу маънода "Адолат кўзгуси" доим қрираб туришини, мактаб ўқувчиларидан тортиб соҳа мутахассисларига ҳам бирда қизиқарили бўлишини истаб, ушбу мақолани ёздим. Истагим: газета омма савиясига мослашмасин, омманинг савияси ГАЗЕТАнинг юксак савияси қадар кўтарилсин.

Светлана ОРТИКОВА,

Республика прокуратураси ҳуқуқ-тарғиботи ва қонунлари мугассамлаштириш бўлими бошлиғи

БИР ШИКОЯТ ИЗИДАН

"Ўзбекистонда мактабларни ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг теран ва катта миқдосга эга эканини англаб оласан киши", деб ёзганди машҳур мунаққид Леонид Левитин асарларидан бирида. Аслини олганда ҳам шундай. Республикада имкон доирасида ижтимоий кўмак олаётган 550 минг ўқувчи бор. Таълим-тарбия борасидаги давлат дастурини амалиётга тадбиқ этиш учун миллиардлаб маблағ ва энг муҳими, соҳага катта эътибор қаратилганлиги ҳаммага яхши маълум. Хуллас, фикримиз исботига истаганча мисол топилди. Мана шундай шароитда таълим соҳасидаги ислохотларнинг илдизига болта урадиганлар ҳам йўқ эмас. Бир шикоят хати юзасидан ўтказган текширишмида бунга амин бўлдим.

Жизза вилотиянинг Зомин туманидаги 39 - ўрта мактабдаги вазият хила мураккаб, қолаверса бу ердаги таълим тарбиянинг аҳоли муҳокама қилса арзигулик. Кетма-кет текширишлар, мактаб директорининг таъмагирлиги ҳақидаги маълумотлар туман, вилоят миқдоси-

қидиришдан бошқа нарсасга ўтилмади... Ҳақиқатан ҳам ноўрин текширишлардан мактаб жамоаси зада бўлиб қолган экан. Маълум бўлишича, гап жамоани кетма-кет бир неча бор текшириш ҳақида кетмоқда. Мактаб директорининг хатолари, қонунбузарликлари ҳақида ўқувчилар туман прокурорига ариза ёзишди. Туман прокурори Б.Шамовнинг топшириғига биноан туман Ички ишлар бўлими терговчиси Н.Бегалиев тергов текшириши ўтказди. Мазкур жараёнда кўп қонунбузарликлар аниқланди.

Т.Узоқова, ўқитувчи:

— ... Аксинча Б. Нарзиева терговчининг ҳақоратлаб, терговга ҳалақит бера бошлади, ўқувчиларга агар кўрсатма беришса, ўзларига ёмон бўлиши ҳақида дўқ-пўлиса қилди.

Тергов якунланди. Унинг натижалари туман прокурорига етказилди. Лекин аҳоли маълум мuddатгача "эски ҳаммом, эски тос" лигича тураверди. Шикоят ёзган ўқувчилар, директор томонидан сиқувга олина бошланди. Натихда улар туман прокурорига мурожаат

М. Абдуҳакимова, ўқитувчи:

— Ойлик маошларимиздан ҳар доим "касса ҳақи" учун 100-150 сўмдан олиб қолинади.

М. Йўлдошева, ўқитувчи:

— Маошимиздан 4000 сўмгача ушлаб қолши ҳодисаси ҳам бўлиб туради.

М. Маамиров, ўқитувчи:

— Илгари суғурта учун ведомостдан 300 сўмдан ушлаб қолинган бўлса-да, ўзимизга қитанция ёздириб, яна 300 сўмдан олиб қолишарди. Мактабнинг иситиш тармоқларини таъмирлаган ишчиларнинг сарф-ҳаражатлари учун ҳар биримиздан 400 сўмдан «уриб» қолишган.

Маълум бўлишича, собиқ мактаб директори Б. Нарзиева қундалик газета ва журналларга обуна уюштириши ҳам ўз зиммасига олган.

Ф.Фозилов:

— 1999 йил 1500, 850, 500 сўм миқдоридега жами уч марта обунага пул йиғилди. Лекин қайси газета, журналга ёзилганлигини билмайман. Умуман, йил давомида газета-журнал олганимиз йўқ.

Ҳафиза Эргашева:

— Уттан йили 2300 сўмдан обунага ажратдик. Пуллари Б.Нарзиева йиғиб олган. Бироқ бирон марта ҳам газета ва журнал қўлимизга теккани йўқ.

Б.Файзиёва:

— Уттан йили мактаб ўқувчилари ва ўқувчиларидан 120 мингдан ортиқроқ пул йиғилиб, унинг бир қисми ўзлаштирилган. Бор-йўғи 82 минг сўмга қитанция олинган. Қисқаси, ўқувчилар мажбурий обуна қилдирилди.

Шунингдек, дарс жараёнини қалбакилаштиришдек қонунбузарликларга ҳам йўл қўйилган.

1998 йил октябр ойида ўтилган дарслар Роҳат Бердимуродова номига қалбакилаштирилганини барчамиз яхши билмиш. Р.Маамированинг 16 соатидан ҳам директорини Б.Нарзиева манфаат қўрган. Шунингдек, қўшни мактаб ўқувчиси Н.Чўлпонев номига ҳам дарслар расмийлаштирилиб, маблағлар ўзлаштирилган. Унинг мактабга келиб дарс ўтганлигини ҳеч қайсимиз қўрган эмасмиз. 1998 йил мактаб ошхонаси ошпази Б.Турдибоева 1,5 ставка фаррошликка расмийлаштирилиб, пули директор томонидан ўзлаштирилган. Бу ҳам етмагандай, унинг ўзидан ҳам ошхона учун оғай 2000 сўмдан ижара ҳақи олиб турган. Шунингдек, 3.Тоғаванинг фамилиясидан ҳам худди шундай фойдаланилган.

Ўқувчилар Қ.Эргашева, Б.Файзиёва ҳамда А.Жўраевларнинг 1999 йил январь, февраль ойларидаги касаллик варақаларига тўловлар ҳам Б.Нарзиева томонидан ўзлаштириб юборилган. Биз РайОНОга бориб сўраганимизда пуллар тулганлиги ҳақидаги ведомостларни кўрсатишди.

Текширилшадан маълум бўлишича, ўқувчиларнинг пахта терим пуллари ҳам ўзлаштирилган.

Ф.Тоғаева:

— 1999 йил пахта мавсумида терган пахта учун пул олганим йўқ, 2000 йил ўқув йилининг бошларида биздан тўлов қозоғига қўл қўйдириб олишди. Бу йил ҳам худди шундай бўлди. Б.Нарзиева ва Қўрбонвалар тўлов қозоғига мажбуран имзо чектириб олишди. Синфимиздаги ўқувчиларнинг барчаси пахта терим пулларини олишгани йўқ.

Бундай айбловларни яна давом эттириш мумкин. Улар қанчалик ҳақиқатга яқин, бундан суд қўрсатади. Холис бир киши сифатида эса менимча қонунбузарликлар содир этилган.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Иш шу даражага етмаслиги ҳам мумкин эди-ку? Қонунбузарлик шу даражада илди отиб кетса-ю, бундай ҳолатларга чек қўйиш шўнчалик қийин бўлса?

А. МУСТАФОКУЛОВ,
"Ҳуқуқ" муҳбири

«ФРОНТАЛ» ТЕКШИРИШ

дан чиқиб пойтахтга етиб борган...

2000 йил, октябр ойининг охири кунлари... Зомин туманидаги 39 - ўрта мактабга тумани ҳокими Пиримқул Соҳибназаров, Халқ таълими бўлими мудири Мурод Йўлдошев ва бошқалар ташриф буюришди. Улар шитроқ этган йиғилиш ҳаммада ҳар хил таассурот қолдирди. Йиғилишдан мақсадни, унинг бош масаласини дастлаб кўпчилик англаб етмади. Лекин кўп ўтмай масала оидинлашди.

Бонгулур Нарзиевани ўз вазифасига қайта тиклаш йиғилишининг асосий мақсади эканлигини туман ҳокими очик билдирди. Агар "шикоятчилар" ўз аризаларидан ёзма равишда ҳар хил таассурот ҳамма жой-жойида ишлади, акс ҳолда мактаб фронтал текширилиши ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу тақдирда эса шикоят ёзган ўқувчилар рози бўлишмади...

Табиийки шундан сўнг, кўрсатма асосида "фронтал" текшириш бошланади. Ўқувчиларнинг эътироф этишларича, айниқса прокурорга мактабдаги қонунбузарликлар ҳақида шикоят ёзганларни анча-мунча сўроққа тортган.

— Бундай ҳолатни қонунга, ҳаётиямизда юз бераётган ўзгарилларга хурматсизлик сифатида қабул қилдим, — дейди Бувсалима Файзиёва. — Ушбу йиғилишда туман ҳокими "Менга прокурор ҳам, терговчи ҳам бир тийин", дея дўқ урганида ҳайрон қолдим. Ахир, биз ёзган шикоятлар ўз исботини топган-ку? Бизнинг арзимиздаги ҳолатлар тасдиқлана туриб, аммо қонунбузар Б.Нарзиевани яна мактаб директори этиб тайинлаш қайси мантиққа мос келади? Б.Нарзиева айнан туман прокурорининг тақдирномасига асосан лавозимидан четлатилганлиги ҳаммага маълум эди-ку!?

Ҳўш, собиқ туман ҳокими П.Соҳибназаровнинг асл мақсади нима эди?

— Биз текширишлардан безиллаб қолдик. Бу мактабдаги таълим-тарбия ишларига ҳам таъсир қилмай қолмайди, — дейди мактаб ўқитувчиси Абдумалиқ Робиқов. — Бир ҳафталик тадқиқ давомида ўқувчиларининг ишидан кир

қилишган. Прокурор эса...

— Тергов натижаларини билиш учун Зомин туман прокуратурасига бордик. Лекин бизни прокурор қабул қилишни хохламади. Идора милиционерни бизни ичкарига йўлатмади. "Ҳуқуқ" газетасига ёзган шикоят хатимизни милиционер орқали қайтариб юборди. Қизиқ, прокурор тергов натижаларини даъвогарларга маълум қилиш шарт эмасми, — дейди қуониб Б.Файзиёва.

Тергов натижаларига биноан туман прокурори чора кўриши бор гап. Лекин текширишлар жараёнида яна "бир шикоят из қолдирганлиги" маълум бўлиб қолди. У ҳам бўлса, Жизза вилояти халқ таълими бошқармаси ходими Эгамберди Пирматов.

Ф.Фозилов, ўқитувчи:

— Э.Пирматов мактабдаги аҳоли билан танишиб чиқди. Туман Халқ таълими бўлимидан мутахассисларни қақириб дарсларни кузатди. Мактабдаги қонунбузарликлар хусусида эса лом-мим демади. Аксинча, шикоят ёзган ўқувчиларнинг дарслари қайта-қайта текширилди.

Аксарият ўқувчиларнинг эътироф этишларича Э.Пирматов мактабда "яраштирувчилик миссиясини" ўтаган. Қонунбузарликлар ҳақида мактаб ўқувчиларига бошқа ҳеч жойга шикоят ёзмасликни тайинлаган.

Б.Файзиёва:

— Э.Пирматов "энди ҳеч жойга шикоят ёзмаганлар, директор ишдан кетадди", деганди. Лекин бизга нотўғри жавоб хати келди. Шундан сўнг ҳам у киши Б.Нарзиевани ҳимоя қилиб, биз билан муроСа қилишга, бошқача айтганда, мавжуд қонунбузарликлар билан келишишга ундади. Қолзолар миллион-миллионларни еб юбораётир, сизлардан ушлаб қолинган 300-500 сўмга шунча гағвоми, дея таъна қилди.

Ҳўш, ўқувчилар бот-бот тақрорлаётган қонунбузарликлар нималардан иборат? Маълум бўлишича, сўрункали равишда бир неча йилдан бери ўқувчилар маошидан "уриб қолши" мактаб директорига одат бўлиб қолган.

ҲУҚУҚИЙ

Маслаҳатхона

133-82-34

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

Суд томонидан белгиланган жаримани айбдор моддий қийинчилик туфайли тўлай олмаса, белгиланган жазо тури ўзгартирилиши мумкинми?

Ж. КАРИМБОВ,
Жиззах вилояти

жавоб

Суд томонидан белгиланган жарима жазоси уч ой мобайнида тўланмаса, суд жариманинг қолган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ жазосига алмаштириши мумкин.

Ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазоси белгиланганда, унинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараварига тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Қамоқнинг ҳар бир ойи эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдоридagi жаримлага тенглаштирилиб, олти ойгача тайинланиши мумкин.

Лекин ана шу ҳолатнинг олдини олиш чораси қонунда кўзда тутилган. Бунинг учун юқорида айтилган муддат тугамасдан, судга жазони ўташга тўқинлик қилаётган сабабни кўрсатиб мурожаат этиш лозим. Суд жарима тўловчининг моддий аҳволи ёки унинг вақтинча ишлаш олмаслик томонларини инобатга олиб ҳукм ижросини кечиктириши мумкин.

Қарз олганлик тўғрисидаги тилхат ҳужжат ўрнига, яъни қарз олганликни тасдиқловчи далил ўрнига ўтиши мумкинми?

З. ОРИПОВА,
Тошкент вилояти

жавоб

Ушбу масала юзасидан томонлар ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, қарз олувчининг тилхати ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бундай тилхатлар қарз олинганини билдирувчи оддий ёзма шаклда тузилган шартнома ҳисобланади. Лекин, шунинг унутмаслик керакки, тузилган қарз шартномасидаги сумма энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, у нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 109-моддасига кўра, битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо келиб чиққан тақдирда тарафлар битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки унинг бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидирлар.

Қонунда ёки қарорларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Менинг ўғлим Куроли кучларда хизмат қилади. Унвони катта лейтенант. 2000 йилинги ёз ойларида у тасодифан бир ноҳўй ҳаракат содир этиб қўйганлиги оқибатида суд уни хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилади.

Лекин ўғлим ишлайдиган қисм қўмондонлиги уни шу қисмда жазони ўтамаслиги, агар ўтайдиган бўлса унга унвон берилмаслигини айтди.

Суд ҳукмида унвон беришдан маҳрум этиш белгиланмаган бўлса ҳам ҳарбий қисм қўмондонлиги ушбу жазони қўллашга ҳақлими?

О. БҮРОНОВ

жавоб

Ҳарбий хизматчига ҳарбий суд томонидан содир этган жинояти учун хизмат бўйича чеклаш жазоси қўлланилган тақдирда, у ҳарбий хизматни давом эттириши мумкин, фақатгина қисм қўмондонлиги розилик билдирса. Лекин жазо кучга кирмай туриб, Республика Президенти томонидан амнистия ҳақида фармон эълон қилиниб, белгиланган жазога амнистия қўллаш мумкин бўлса, у ҳолда жазо тўхтатилади.

Жиноат содир этган ҳарбий хизматчига нисбатан амнистия қўллаш учун қўмондонлик розилиги талаб қилинмайди.

Жиноат содир этган ҳарбий хизматчига хизмат бўйича чеклашчораси қўлланилиб, у ўз хизматини давом эттираётган бўлса, белгиланган жазо муддати ичда ҳарбий унвонлар, юқори мансаб лавозимлари ва бошқа имтиёзлардан вақтинча маҳрум қилинади (ЎЗР ЖКнинг 47-моддаси).

Хизмат бўйича чеклаш жазоси қўлланилиб, амнистия асосида жазони ўташдан озод қилинсада, ҳарбий хизматчи судланган ҳисобланади.

Хизмат бўйича чеклаш жазо муддати ўтгач, судланганлик ҳолати тугайди (ЎЗР ЖКнинг 78-моддаси "б" банди).

М. ТЕМИРОВА,
Республика ҳарбий прокуратураси
умумий назорат бошқармаси бошлиғи

«Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллаш ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаландилар».

(Меҳнат кодексининг 240-моддаси.)

Мен ўн йил олдин жиноят содир этиб, икки йилга озодликдан маҳрум этилиб, жазони тўлаш ўтаб чиққанман. Бирон жойга иш сўраб борсам судланганлигим ишга киришимга монелик қилаяпти. Бу тўсиқни қандай қилиб олиб ташлаш мумкин?

Д. ЭШОНКУЛОВ, Чиноз шахри

жавоб

Судланганлик ҳолати қонунда белгиланган муддатнинг ўтганлиги ёки суд томонидан олиб ташланиши билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши туфайли бундай қилиш жиноят ҳисобланмайдиган, шунингдек тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган ҳисобланади.

Агар судланганлик юқорида айтилган ҳолатлар бўйича тугалланмаган ёки қонунда белгиланган муддатлар ўтиши билан олиб ташланмаган бўлса, ушбу масалада судга мурожаат этиш лозим. Бундай мурожаат билан жазони ўтаб бўлган шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига чиқиши мумкин.

Судланганлик ҳолати қонунда назарда тутилган муддатнинг камида ярми ўталгани кейингина олиб ташланиши мумкин. Бу куйидагилардан иборат:

- шартли ҳукм қилинганларга - синов муддати тугаган кундан бошлаб;
- хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий ишга жўнатиш тарзидаги жазолар ўтаб бўлинган;
- жарима жазоси бўйича, у ижро этилган кундан кейин;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталган кейин бир йил ўтгач;
- қамоқ жазоси ўталгандан кейин икки йил ўтгач;

Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин тўрт йил ўтгач;

Беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кам бўлган озодликдан маҳрум этиш жазоси ўталгандан кейин етти йил ўтгач;

Ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин ўн йил ўтгач.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта ҳафтли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққандан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, уларнинг судланганлиги олиб ташланиши мумкин.

Саҳифани Д. Халидов тайёрлади

ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-чақириқ 4-сессиясида бир қанча янги қонунлар қабул қилинган барчамизга маълум. Улардан бири "Норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун турли идора ва қороналарнинг иш фаолиятида муҳим ўрни тутадиган ҳужжатдир.

Ҳўш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат деганда нимани тушунаемиз?

Ушбу қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади (2-модда).

Қонуннинг 4-моддасида бундай ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган идоралар санаб ўтилган. Улар Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳамаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидир.

Ушбу ҳужжатларнинг турлари қандай, деган савол бўлиши табиий. Бунга жавобни қонуннинг 5-моддасидан топамиз:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚОНУН КУЧИГА ЭГА ҲУЖЖАТ

дентининг фармонлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг қарорлари;
- вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари ҳужжатлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Шу тартибда мазкур ҳужжатлар нисбати, яъни юқори кучга эга эканлиги белгиланади. Уларнинг мажмуи эса "қонун ҳужжатлари" деб ҳисобланади (6-модда).

Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устуңлиги сўзсиз тан олинади.

Қонунлар энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Президент фармонлари Конституция ва қонунлар асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Конституция ва қонунларга, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонларига мувофиқ қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлари шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қордалар ва йўриқномалар тегишли

идоранинг буйруқ ва қарорлари билан тасдиқланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Бу ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқараётган орган, қонун ҳақида лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади (15-модда).

Лойиҳалар уни тайёрлаган ёки қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига ҳам талаблар қўйилган. Уларнинг матни оддий ва раван тилда баён этилиши, тегишли реқвизитларга эга бўлиши шарт (19, 21-моддалар).

Қонуннинг 22-моддасида вазирликлар,

давлат кўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичда уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этишлари кўзда тутилган.

Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий на-

шрларда эълон қилиниши керак.

26-модда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга киришини белгилайди.

Қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилингандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради. Президент фармонлари, Вазирлар Маҳамасининг қарорлари белгиланган тартибда кучга киради.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган кун-

дан сўнг ўн кун муддат ичда барча маънафатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири шунки, унга норматив ҳужжатларнинг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва улар амалга киритилгандан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан тадбиқ этилиши ҳусусида алоҳида, 28-модда киритилган.

Аммо бу ҳужжатларнинг муҳим турларидан бири ҳисобланган қонунларга бу ўринда айрим истиснолар берилган. Яъни, қонун у амалга киритилишига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса, тадбиқ этилиши мумкин.

Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки қучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

Унда ёзилишича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилгандан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан тадбиқ этилади.

Мухтор ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси бошқарма бошлиғи
ўринбосари

СУД ОЧЕРКИ

Бахтиёр камоқхона дарвозасидан чиқиб, бироз юрди. Сал нарида муолишдан чиқиб келаётган зобитга кўзи тушди. У ҳам Бахтиёрни таниди шекилли, тўғри унга қараб келаверди. Рўпара келишгач, зобит гап бошлади:

— Жавоб беришдими?

Бахтиёр негадир жавоб ўрнига бош ирғаб қўя қолди.

— Ҳа, яхши. Бу охиригиси бўлади, деб ўйлайман. Бошқа бу ерда кўришмайлик. Омад тилайман, — дея Бахтиёрнинг елкасига уриб қўйди-да, ундан узоклашди.

Бахтиёрнинг унга совуқ муомала қилишига сабаб бор эди. Очиги, озодликка чиқиб илк учратган кишиси камоқхона ходими бўлгани унинг гашини кўзгади. Кайфияти бир оз тундлашган ҳолда йўлида давом этди.

Энди "зона" анча олисда қолганди. Бахтиёр бир дам тўхтаб, хаёл суриб қолди. Сўнг гўё сувга шўнғишга тайёрланаётган кишидай кўксини тўлдириб нафас олди-да, секин чиқарди. Бу билан бундан бир неча соат олдин елкасини босиб турган юк ағдарилгандек, ўзини енгил ҳис этди. Атрофни кузатди. Осмонни томоша қилди. Қушларнинг эркин парвозларини кўриб ўзи ҳам икки қўлини ёйганча, айлана бошлади. Ва сўнги бор ортига қайрилиб қаради-да, тез-тез қадам ташлаб кетди...

Иккинчи бор "зона"ни "зиёрат" қилишга улгурган собиқ маҳбуснинг табиатида одамовилик, бировлардан ётсираш ҳисси ҳукмрон эди. Уларнинг тилида айтганда "воля", яъни озодлик унинг учун фақат мана шу камоқхонанинг зах деворлари-ю, тор, кўёш нури тегмайдиған хоналарини тарк этишдан бошқа нарсани аналтмасди. Нима бўлсаюм шу жойдан чиқиб кетса бўлди.

Биринчи галдагидек, бу сафар ҳам озодликдаги ҳаёт Бахтиёр учун осон кечмади. Эҳтимол бундай десак, унчалик тўғри бўлмас. Аслида унинг ўзи бунга кўника олмасди. Бўлмаса икки марта йўқотган ҳассани ҳеч бўлмаса, учинчисидан маҳкамроқ тутиш йўлини қидирса бўларди. Ишга кириб бирор касбни эгаллашни-ку, хаёлига ҳам келтирмасди. Негаки, у маош кутиб, кун кечиришга ўрганмаганди.

Шу сабабли бу гал ҳам уйга келган, икки-уч ой бекор юрди. Оиласи, 4 нафар боласи бўлишига қарамай, уззу кун телевизор қаршисидан ётиб, онда-сонда кўнгли ёзиш учун кўча айланиб келиш охири ўзининг ҳам жонига тега бошлади. Баъзан томоғи "тақилаб" қолган кезлари хотинидан пул олиш унинг учун муаммоли бир савдо эди. Негаки бир ўзи ишлаб, бола-ларнинг нафақа пули билан рўзгор тебратётган аёли бундай пайтларда дунёни бошига кўтариб, "бобиллаб" берарди. Баъзан хотинининг чакагини ўчириш учун муштига эрк беришга тўғри келар, хуллас, бу масала ҳеч вақт жанжалсиз ҳал бўлмасди.

Охири пичоқ бориб суякка қадалди. Ўзи кўпдан бери ўйлаб қўйган режасини амалга ошириш пайти келганлигини англади. Аслида ўғриллар тўдаси тузиш режасини "зона" далигидаёқ пўхтаб қўйганди. У ерда орттирган танишларидан бири шундай гуруҳга бош бўлган экан. Фақат ораларидан бири "козёв" лик қилиб, тўданинг иши фош бўлган. "Менда ундай бўлмайди. Тўдага озги маҳкам, пишк йигитларни тўплайман", ўйлади ичига.

Шундай қилди ҳам. Уч-тўрт кун шаҳар айланиб, олдиндан кўз остига олиб қўйган йигитларга озгиз солди. Уларнинг аксарияти "зона"нинг исини олган, озодликдаги ҳаёти ҳам Бахтиёрникидан деярли фарқ қилмас эди. Хуллас, гуруҳнинг илк мажлиси бўладиган кун белгиланди.

Йигилишда Аҳмад Саримсоков, Фарҳод Азизов, Мақсуд Мирзабоев, Мансур Со-толдиев ҳамда Вали Усмоновлар Бахтиёр

бошчилигида жинойи режа тузиб чиқишди. Режага асосан гуруҳ ишни энг аввал шаҳар худудидан истикомат қилувчи бадавлат хонадонларни аниқлашдан бошлаши керак эди. Бахтиёр баъзи йигитларга бу вазифани юклар экан қўшимча қилди:

— Ишни амалга ошириш учун бизга курол-яроқ ва бошқа баъзи нарсалар зарур бўлади. Буни мен ўз бўйнимга оламан.



ТУНГИ «ОВ»ЛАРНИНГ ХОТИМАСИ

Гапни бир жойга қўйиб тарқалишди. Эртаси куни Бахтиёр курол олиб келиш учун Россиянинг Самара шаҳрига жўнаб кетди...

Уюшган гуруҳ илк "ов"ни Қўқон шаҳрининг Шодлик кўчасида жойлашган 2-уйда ўтказишга келишиб олди. Хуфяларнинг хабар қилишича, хонадон соҳибни Бунёд Зарипов ўзига тўқ оилалардан ҳисобланади. Демак, ўлжа ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Улар белгиланган пайтда, яъни тун ярмида Шариповнинг хонадонига келишганда шаҳар аҳолиси, жумладан хонадон эгалари ҳам ширин тушлар оғушида эди.

Гуруҳ бошлиғи Бахтиёр дарвозадан ошиб тушиб, эшикни ичкаридан очди. Кейин ҳаммаси режадагидек бошланиб кетди. Кимдир югуриб бориб, уй ичига кетган телефон симини кесиб ташлади. Сўнг бирин-кетин ичкарига киришди. Уй соҳибни Зарипов ётган хонага бостириб киришганда, у оёқ товушларидан уйғониб бўлганди. Аммо гап нимадалигини англашга улгурмаган уй соҳибни юзига қора ниқоб кийиб олган бу кимсаларга қаршилик кўрсата олмади. Абжир йигитлар бир зумда уни жойига ётқизиб, бошига майкасини ўрашди. Сўнг бўйни аралаш ўраб, қўлга кишан солишиб, оёқларини чилвир билан боғлаб ташлашди.

Уй бекаси уч нафар фарзанди билан ётган қўшни хонага киришди. Бир зумда аёлнинг ҳам бошини ёстиқ жилди билан ўрашиб, қўл-оёқларини боғлаб қўйишди. Бир киши шовқиндан уйғонган болаларга курол ўқталиб, бақирмасликни, акс ҳолда ота-оналарини ўлдиришларини айтиб, уларга кўз-қулқоб бўлиб турди. Гуруҳнинг қолган аъзолари Бахтиёр бошчилигида уй соҳибларидан пул, қимматбаҳо тақинчоқларни топиб беришни талаб қилишарди. Шарипов ҳаво етишмаганидан базўр:

— Нима бўлса олинглар, фақат болаларимга тегманглар, — дея ёлворарди.

Бахтиёрга Зариповнинг тихирлик қилиши ёқмади.

Пешонасига тўппонча тираб:

— Ўз ихтиёри билан бергилари келмаяптими? Ҳозир фарзандларингдан бирини нариги дунёга жўнатамиз. — дея биқинига бир тепди.

дан беҳабар хонадон эгалари тунги уйқуда эдилар.

Одатга кўра, уйга кирган телефон сими узилди. Бунгача эса қуроллар тақсимланиб, юзларга ниқоблар тортилганди.

Босқинчиларга М.Холиқуловнинг ўғли рўпара бўлган эди, унинг юзига мушт тушириб, оғзига латта тиқишди. Сўнг қўл-оёқларини боғлаб ташлашди. М.Холиқулов турмуш ўртоғи билан ётган хонага пинҳона киришди. Бахтиёрнинг қўлидаги пичоқ деразадан тушиб турган ой ёруғида ялтиради. Айнан шу пичоқ, кўз очиб рўпарасида юзига ниқоб тақиб олган нотаниш кишиларни кўриб, жон ҳолат бақиршига шайланган М.Холиқуловнинг турмуш ўртоғи Д.нинг томоғига тиралди.

— Овоз чиқармасликни маслаҳат берардим, ойимча. Акс ҳолда мана бу оппоқ дудокларингиз қонга беланади.

Бахтиёрнинг бу таҳдиди аёлга таъсир қилди. У томоғига тегиб турган пичоқ тигидан сесканиб кетди. Базўр "Кимсизлар?" дея олди, холос.

Бу орада Бахтиёрнинг шериклари М.Холиқуловни кишанлаб бўлишганди. Аммо ҳеч қутилмаганда у ёруғидан отилиб туриб хонадан қочиб чиқишга уринди, бироқ улгурмади. Икки-уч қадам ташлаши билан Бахтиёр олдидан чиқиб, қўлидаги пичоқни унинг бир неча жойига санчиб олди. М.Холиқулов додлаганича ерга кулади. Зудлик билан унинг қўл-оёғини боғлашиб, оғзини беркитиб қўйишди.

Ҳамма иш саранжом бўлган, Бахтиёр хонанинг ўртасида худди нотиклик вазифасини бажарётган кишидай, қўлидаги тўппончасини уйнатганча қисқача нутқ сўзлади:

— Биз ҳеч кимга озор бермоқчи эмасмиз. Агар яхшиликча пул ва тилло буюмлар қаердалигини айтсангизлар, ҳаммаси яхши бўлади.

М.Холиқулов жараҳат туфайли ҳушидан кетиб бўлганди. Рафикасининг эса қўрқувдан тили айланмасди. Начора, гуруҳ яна ўзи ишга киришди. Тилла узук, ниқоқ, узуги, оқ феонет кўзли сирга, "Самсунг" видеомагнитофони, видеокассеталар, 200 АҚШ доллари, 72 минг сўм пул, жами 238 минг 400 сўмлик мол-мулкни олиб, жуфтакни ростлашди.

Очигини айтганда, Бахтиёр тўда тузишнинг ниёти қилганда икки-учта бақувват хонадонлардан тушган маблағга бирор тижоратни бошлаб, бу «хўнари»ни йиғиштиришни ҳам кўнглининг бир чеккасидан ўтказган эди. Аммо бу сафар ҳам ўлжанинг ҳаминқадарлиги бу режани чиппака чиқариб бўлганди. Йигитларининг ўлжа танлашда ўқувсиз эканлигидан аччиқланди. Шундай бўлса-да, уларнинг ўзига содиқлигидан қувонарди. Икки сафарда ҳам ҳеч бири панд бергани йўқ. Бунинг устига ҳалигача бирон марта орган ходимлари "хит"лангани йўқ. Бу эса янги "ўлжа" учун "ов"га бемалол чиқишга имкон берарди.

Бахтиёр бу сафарги "ов" уюштирилиши лозим бўлган хонадонни ўзи топишга аҳд қилди.

(Давоми келгуси сонда.)

Юсуф МУСАЕВ,
Республика прокуратурасининг судларда
жинойишлар қўрилишида прокурор
ваколатини таъминлаш бошқармаси
прокурори,
Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Хўқук» мухбири

P.S. Мақоладаги айрим исм ва фамилиялар ўзгартириб берилди.

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР ● ШАРҲЛАР

КОКАИН ВА "ЧАНГАЛЗОР ҚОНУНИ"

Маълумки, бундан 15-20 йиллар муқаддам Жанубий Американинг ичмаиғина мамлакати — Перу кокаин етиштирувчи дунёдаги энг йирик марказ саналар эди. АҚШ ва айрим Европа давлатларининг саъй-ҳарақати билангина кокаин маркази деган номдан кутулган ушбу мамлакат бугунга келиб яна наркотиб бизнес уюғига айланиш хавфи остида қолмоқда. Бундай ҳолатнинг бош

"айбдори" кўшни мамлакат — Колумбиядаги наркотиб бизнесга қарши курашнинг кучайтирилгани бўлди. Маълумки, ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида Колумбияда жажон наркомафиясига хизмат қилувчи маҳаллий наркомафиялар урчиб кетган эди. Бу ҳолат ҳукуматга ҳам таъсир кўрсата бошлайди. Гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш дастурларига мувофиқ АҚШ ноқонуний кокаин савдосига қарши курашда Колумбия ҳукуматида катта миқдорда моливий ёрдам кўрсатди.



БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат дастурига бағишланган баёнотда айтилишича, кокаин тайёрланадиган комашё нархи "Колумбия режаси"дан кейин кескин ошган. Ярим йил олдин бир килограмм кока япроғи учун 2 доллар тўланган бўлса, ҳозирга келиб бу маҳсулот учун 4 доллар тўланмоқда. Бу эса ўз-ўзидан перулик фермерларни кока етиштиришга ундаши тайин. Кока япроқларининг қайта ишланиб, кокаин ҳолатига келтирилганидан кейинги нархи Европанинг айрим мамлакатларидаги "қора бозор"да ўртача 1100 - 1300 долларга баҳоланади.

Перуддаги кока плантацияларининг умумий майдони 77 минг гектарни ташкил этади. Бу кўрсаткич 3 ой ичида, узоғи билан кейинги 6 ойда 2 баробарга кўпайиши эҳтимоли бор.

Наркотик моддаларнинг Перу ҳудудидан ноқонуний олиб чиқилиши ва тарқатилишининг олдини олиш мақсадида Қўшма Штатлар Амазонка чангалзорларида махсус базалар ташкил этган эди. Бундай базалар учун АҚШ ҳаменидан 77.5 млн. доллар сарф бўлди. Ҳозирда бу базаларда тропик ўрмонлар орқали иш кўрувчи наркотиб бизнесчиларга қарши кураш бригадаларида хизмат қилиш учун перулик ҳарбийлар ҳам тайёрларидан ўтишмоқда. Улар бу ерларда "чангалзор қонуни"га риоя этилишини таъминлаб турадилар.

Маъзур базаларнинг ҳарбий-техникавий таъминоти ҳам юқори даражада. Мисол тариқасида дарё соҳилидаги шундай базаларда фойдаланилаётган соқчи катерларини оладиган бўлсак, уларнинг ҳар бири нақд 700 минг доллар туради. Бу катерларни сотиб олиш ҳам АҚШ бўйига тушган эди. Перу томонининг тарқатган хабарларига қараганда, мана шундай катерлар шарофати билан дарё орқали содир этиладиган наркотик савдосининг олди олинмоқда. Сўнгги икки йил ичида Бразилия ва Колумбияга ўтказилиши кўзланган бир тоннадан зиёд кокаин тўхтатиб қолинган. Албатта, бу кўрсаткич мақтагулик эмас. Бундай дейишимизга сабаб, минтақада бир йилда 200 тоннадан кўпроқ кокаин тайёрланади ҳамда дунёнинг чор бурчаги сари ўз қўрбонларини қидириб кетади.

Турли манбалар эса Қўшма Штатларнинг бундай базаларни ташкил этишдан кўзлаган мақсади фақатгина кокаин балосини даф этиш эмаслигини ҳам эслатиб турибди.

ҲОЖЕА САБАБЧИСИ КИМ?

Ўтган ҳафтада япон балиқчи кемасини чўктириб юборган АҚШ сувоисти кемасининг уч нафар юқори мартабали зобити ҳалокатга нечоғли алоқадорлигини аниқлаш мақсадида махсус текшириш ўтказилади. Бу ҳақда АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари (ҲДК) вакиллари хабар тарқатди.

Эртага Перл-Ҳарборда махсус комиссиянинг иш бошлаши кўтилмапти. Текширишларда Япониядан бир вакил расмий кузатувчи сифатида қатнашадди. Айбдорлар ҳарбий трибуналга топширилади, деб баёнот берди АҚШнинг Тинч океани флоти қўмондони, адмирал Томас Фарго. Бундан ташқари, ҲДК ҳодиса ҳақидаги хабарларнинг очик-ошкора тарқатилишини ваъда қилмоқда.

Мулозимларнинг хабарига кўра, чўкәтган кема тасвирга туширилган дастлабки видеоёзув кўлга киритилган.

Ҳалокат жойига робот-ғаввослар туширилган, бироқ бедарак йўқолган 9 экипаж аъзоси ҳақида ҳеч нима дейилмапти.

Ҳожеа сабабчилари аниқланиб, айбдорлар жазоланмас экан, аллақачон совуқчилик тушган япон-америка муносабатлари баттар кескинлашиши мумкин.

ЯНА ТЕРРОР


Британия полициясининг махсус бўлими Лондон метросида уюштирилиши мўлжалланган террорни фож килди. Аниқланишича, бир гуруҳ шахслар йўловчиларни газ билан заҳарламоқчи бўлишган.

Полиция вакилининг айтишича, ушбу террорни режалаштирган гуруҳ 1995 йилда Токио метросида содир этилган тажовузни такрорламоқчи бўлган. Единиғизда бўлса, ўшанда 12 киши ҳалок бўлган ва минглаб кишилар заҳарли газдан азият чеккан эдилар.

Хабарларни Internet тармоғи асосида С.ҲОЗИЕВ тайёрлади

РЕКЛАМА

«САҒБОН НОН» – АЪЛО ТАЪМ



Жамоамиз аъзолари пойтахтимиз аҳолисини 45 турдаги нон маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб келмоқда.

Қанд касалига чалинган беморлар учун биз 9 турдаги маҳсулотларимизни «Иссиқ нон» дўконларимиздан харид қилишга таклиф этамиз. Бунинг учун Сиз қуйидаги манзилимизга таширф буорсангиз қаифо:





Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси.

"ASTREYA"

МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

"ASTREYA" адвокатлар уюшмаси ҳамиша одамлар билан гавжум. Сабаби — хизмат кўрсатиш даражаси юқори. Шунинг учун ҳам республикамизнинг турли бурчакларидан ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат ва кўмак сўраб келувчилар кўп. Мижозларнинг аксариятини бозор иқтисодиёти жараёнида туғилган турли хил саволларга жавоб излаб келган тadbиркорлар ташкил этади. Ва улар бу ерда ўзларини қизиқтирган саволларга, албатта жавоб топдилар.

Дарҳақиқат, мижозлар мулкий ва номулкий муносабатларга тааллуқли муаммоларини ҳал этиш, турли кўринишдаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича керакли ҳужжатларни тайёрлаш, шартномалар ижросини кўриб чиқиш, хўжалик судида иштирок этиш каби масалалар юзасидан "ASTREYA" адвокатлар уюшмасига мурожаат қилиб, зарур ёрдам ва маслаҳатларни олишлари мумкин.



— Биз демократик ҳуқуқий жамиятда яшаймиз. Қонун устиворлиги амалда таъминланган ҳозирги даврда юридик ва жисмоний шахслар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши ва мавжуд қонунларга амал қилиши керак, — дейди "ASTREYA" директори Павел Панов. — Бугунги кунда адвокатларга бўлган талаб кучайиб бормоқда. Чунки ҳамма ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билишга ва уни талаб қилишга қизиқмоқда, интилмоқда. Фуқароларимизга ҳуқуқий маслаҳат ва амалий хизмат кўрсатиш билан ёрдам беришга ҳамиша тайёрмиз.

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 4-уй. Мўлжал: Шимолий вокзалнинг «олдиндан чипталар сотиш» биноси.

Телефонлар:

(998 - 71) 152 - 66 - 57, 186 - 17 - 04

НАЗМ

ҲАМЖАСБЛАРИМГА

Худо берган касбимиз шу —
Гоҳо ношлож
Яқин дўстларни ҳам этамиз сўроқ,
Беайб парвардигор, ким қилмас гуноҳ,
Авф этиш чорасин ўйлаймиз кўпроқ.

Эзгу ишларимиз бўлмагай унут,
Жазосиз қолмагай ҳеч гуноҳкор зот.
Энг одил қозидир даврнинг ўзи,
Энг буюк ҳакамдир шул кўҳна ҳаёт.

Исматулла ЙҮЛДОШЕВ,
хуқуқшунос


МЕНИНГ КОНСЯНТИПҶАМ

Менинг ҳақ-хуқуқим ёзилган Қомус,
Йўлимни ёритиб турувчи чироқ.
У мен учун фахр, ҳам шаън, ор-номус,
Эзгулик аталмиш туганмас булоқ.

Сен ўзинг қалбимда шоҳсан, султонсан,
Буюк келажакка қафилсан ўзинг.
Юртимнинг юраги, танимга жонсан,
Адолат мезони ҳар битта сўзинг.

Самаржон НАЗАРОВ,
Республика нафис санъат
лицейи талабаси

КРОССВОРД



Энига: 3. Камчилик, етишмовчилик маъносидаги молиявий термин. 6. Ўзбек видеофильмларидан бири. 8. Цирк майдончаси. 9. Ёрдамчи, кўмак. 12. Эшакнинг африкалик "қариндоши". 14. Офис, ишхона. 16. Илмли аёл. 17. Бут. 18. Теварак. 20. Озод, хур. 22. Пул. 23. Ҳукмнинг арабча кўплиги. 25. Муомала, муносабат. 27. Хўл мева. 28. Тропик мева. 29. Геометрия.

Бўйига: 1. Республикада чоп этиладиган хотин-қизлар журналі. 2. Фараз, кўролмаслик. 4. Ҳам шох, ҳам шоир. 5. Оғир эмас. 7. Ўзбек киноактёри (исми). 10. Акс, зид. 11. Амирий тахаллуси билан ижод қилган шоир. 13. Устун. 14. Уят, шарм-ҳаё. 15. Кийимнинг ички қисми. 16. Қизлар исми. 19. Катта ариқ, канал. 21. Муқаддас китоблардан бири. 24. Бож, йғим. 25. Ҳарбий хизматчи. 26. Кир Буличёв асари қаҳрамони.

Тузувчи: **Ж. КОМИЛЖОНОВ**

СПОРТ

ЖЧ — 2002 йўлида

ФУТБОЛ Ҳадемай апрель ойида футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2002 йили Корея ва Япония майдонларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларига киришди. Россиялик мутахассис Владимир Сальков раҳбарлигида Исроилдаги ўқув-масгулот йиғинларидан сўнг йигитларимиз Болгарияда "Албина Мобильтел" халқаро турнирида муваффақиятсиз қатнашдилар. Украина олий лигаси дебютанти "Сталь" билан дуранг ўйнаган вакилларимиз мезбонларнинг "Левски" ҳамда Арманистон терма жамоасига ютқазиб қўйишди. Бу хабарлар миллий терма жамоамизни ЖЧ — 2002 майдонларига кўришни истаган муҳлисларимизни тушқунликка туширмасин. Негаки, бугунги мағлубиятлар эртанги галабалар гарови бўлса ажаб эмас.

Турнирдан сўнг йигитларимиз Озарбайжон ва Беларусь терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувларида майдонга тушиб, 2:1 ва 2:0 ҳисобда ғолиб чиқдилар.

ЖЧ-2002 га тайёргарлик дастурига кўра, энди терма жамоамиз Германия сафарига йўл олади.

МУНОСИБ СОВГА

ТЕННИС Ўтган ҳафта россиялик теннисчи Евгений Кафельников мукофот жамғармаси 500 минг АҚШ долларини бўлган Marseille Open теннис турнири ғолиблигини қўлга киритди. Олимпия чемпионини финалда корт эгаси Себастьян Гросжанны 7:6, 6:2 ҳисобда мағлубиятга учратди.

Таъкидлаш кераки, 66400 доллар миқдоридидаги соврин айна пайтда, Кафельниковнинг туғилган кунига совға бўлди. Спортчи яқшанба куни 27 ёшга қарши олди.

НУФУЗЛИ ТУРНИР

ШАХМАТ Шу йилнинг 23 февралдан 6 мартгача Испанияда шахмат бўйича йирик мусобақа ўтказилди.

Ушбу турнирда россиялик шахматчилар А.Карпов ва Г.Каспаровлар билан бирга А.Широв, П.Лекко, Ю. Полгар, шунингдек яна бир россиялик гроссмейстер А.Гришуклар ўзаро донна сурадилар. Турнир икки босқичда ўтди.

Россиялик В.Крамник ва ҳиндистонлик жаҳон чемпиони В. Анандлар ушбу турнирда қатнашмасалар-да, турнирнинг нақадар нуфузли эканлиги юқоридидаги иштирокчилар номидан ҳам кўриниб турибди.

АВТООЛАМ

ЭҲ, БУ ЯПОНЛАР...



Янги юз йиллик техника тараққиёти асри бўлишини башорат қилаётганлар янгилишмаган кўринади. Аслида кунё синаотга тўла, аммо шуни ҳам тан олиш кераки, бугун инсон ақлаковати бу синаотларни ечишиб анча ижобий натижаларга эришиб қўйди.

Шу давргача яратилган кашфиётларнинг аксарияти инсонлар учун хизмат қилган бўлса, минг афсуски, айримлари...

Келинг, яхшиси таъбингизни хира қилиб ўтирмайлик-да, япониялик олимлар томонидан тавсия этилаётган яна бир янгилик ҳақида гаплашсак. Ҳа, бу гап ҳам айнан ўзимиз билган, тиниб тинчимас японлар.

Японияда шу кунларда экологик жиҳатдан тоза автомобиль ёнилғиси устида тажриба ўтказмоқда.

Иссиклик батареясини синаб кўришни Мазда корпорацияси ҳамда унинг Япониядаги бўлими Даймлер Крайслер ўз гарданига олди. Водород ва кислород аралашмасидан электр қуввати олиш кўзланган ушбу технология билан бошқа автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар ҳам қизиқиш қилишди.

Батареянинг одатдаги ёнилғилардан ягона фойдали томони, буғ атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар келтирмайди. Уни синавдан ўтказишда Япония ҳукумати ҳам фаол иштирок этмоқда. Даймлер Крайслер ҳамда Форд компаниялари эса шундай синовларни Калифорнияда ўтказишни режалаштирмоқда.

Хонда компанияси ҳам Калифорния синовидида қатнашиш истагини билдирди. Улар иссиқлик батареяси билан ҳаракатланувчи махсус двигател билан иштирок этмоқчи.

Хуллас, шунақа гаплар. Яқин орада автомобиль эгаларининг бензин қуйиш шаҳобчалари қолиб, иссиқлик батареяси сотиладиган дўконларга ўтиб кетиш эҳтимоли ҳам йўқ эмасга ўхшайди.

ТУРФА
ОЛАМГИДЛАР НКВД
МУНДИРИДА

ЛИТВАЛИК Валиумас Малинаускас исми тадбиркор Литванидан бирида Stalinword (Сталин дунёси) деб номланган томошагоҳ очди. Бу ердаги барча сурат ва картиналарда Сталин қатағони, у ташкил этган лагерлардаги ҳаёт акс эттирилган. Ташриф буюрган томошабинларни НКВД мундиридаги гидлар кўтиб олиб, мижозларда ғалати таассурот қолдиради. Бу ҳам етмагандек, уларни бу ерда қуюқ бўтқа ва балиқ бошидан тайёрланган шўрва билан «сийлайдилар».

РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

13 МИНГДАН кўпроқ спортчининг Токио кўчалари бўйлаб югураётганини кўрганларда бу шаҳар аҳолисининг ҳаммаси спортчи экан-да, деган тасаввур пайдо бўлиши тайин эди. Кунчиқар мамлакатнинг пойтахти бўйлаб 30 км. масофага югуриш бўйича ўтказилган мусобақада 2 мингдан зиёд «жинси латиф» иштирок этди. Улар ичида Сидней олимпиадаси чемпиони Наоко Тахакоси ҳам бор эди. У Япониянинг янги рекордини ўрнатиб, 1991 йилда Эрико Асам кўрсатган натижани ярм минутга янгилади.

ШАРТИ АТИГИ
БИТТАГИНА...

Швецарияда автомобилсозлик тарихида ёрқин из қолдирган шахслар хотирасига бағишланган музей ташкил этилди. У Женевадаги машур автосалон ҳудудида жойлашган. Музей очилишига тайёргарлик 7 йилдан бундан давом этаётган эди. Утган шу давр ичида ташкилотчилар музейдан ўрин олиши керак бўлган автоолам юлдузлари рўйхатини тузиш билан ҳам банд бўлдилар. Бу рўйхатдан ўрин олганлардан ҳозирча бизга маълумлари куйидагилар: биринчи автомобиль ихтирочиси Карл Бенц, муҳандис Готтлиб Даймлер, Алекс Иссигонис, Энцо Феррари ва бошқалар. Музей рўйхати йил сайин тўлиб боради. Бу рўйхатдан жой олиш «шарафи»га эришишининг яна бир шарты бор, у ҳам бўлса, инсон тириклар рўйхатида бўлмаслиги керак.

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

Спектакль пайтида икки актёр ўз ролларининг сўзини унутиб қўйишди. Суфлёр шу даражада қаттиқ овоз билан матни айтаяптики, ҳатто унинг сўзлари залнинг энг сўнгги ўриндиғида ўтирганларга ҳам эшитилмоқда.

Ниҳоят актёрлардан бири тилга қириб, суфлёрга шивирлади:

— Биз ҳаммасини яхши эшитаёпмиз. Фақат уни қайси биримиз айтишимиз кераклигини билмаяпмиз.

Циркка кўнғироқ бўлди:

— Сизларга бадбашаралар керакми?
— Қандайлигига қараб...
— Менинг бошим иккита.
— Йў-е, жуда зўр-ку!
— Яна улардан бирида учта қулоқ.
— Наҳотки!
— Бошқасида эса 4 та қўз.


— Ахир бу сенсация! Қачон бизга келасиз? Тезда учрашишимиз керак!
— Мен сизни эртага Пушкин ҳайкали ёнида соат 17.00 да кутаман. Қўлимда "Муштум" журнали бўлади.

Бир янги русдан ўртоғи «компьютеринг борми», деб сўрапти.

Бунга жавобан ўртоғи:
— Албатта, бор. 600-маркаси, педальга ўхшаган иккита клавиши билан.

Икки дўст учрашиб қолди:
— Ҳозир нима билан шуғулланыясан?

— Циркда "Шер билан якма-якка" деб номланувчи номерда чиқаяпман.
— Қўрқмайсанми?
— Нега энди, ахир шер ўзим-ку!



Мозийга нигоҳ.